





Тарбия ҳақида ўйлар

ОНАЛАРГА АЙТАР СЎЗИМ БОР

Она ҳақида жуда кўп яхши сўзлар айтилган ва айтимда, ёзилган ва яна ёзилганди. Курран замиён мавжуд экан, оналар қадри ҳамиша бошимиз эъза, Менинг ҳам оналарга ҳурматим чексан. Шу билан бирга азиз оналарга мурожаат қилиб ўзимнинг шахсий мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман.



ОНАБИЗ БОЛА, ГУЛБИЛА

«Ўқитувчи-92» кўрик-танлови



Сарлавҳани синчковлик билан ўқиган ниши гап ўзбек тили фани ҳақида кетганини фахрланиш керак. Бироқ, бунга саёҳатнинг нима алоқаси бор? дейишнинг мумкин. Бу сўровингизга Пискент ноҳиясидаги Ойбек номи 5-мактаб муаллими Мукамбар Эргашеванинг 45 минутлик дарсини кузатсангиз, жавоб оласиз.

Машғулот оdatдагидек салом-алиқдан бошланган бўлса-да, Мукамбар опанинг ўқувчилардан майинлик билан ҳол-аҳвол сўраши, бир неча дақиқада олам-олам меҳрини уларга тортиқ қилиши бошқаларникига ўхшамасди. Дарс бошланганда, яъни ташкилий қисмда муаллима бугунги бўлажак «Сўз туркумлари вилоятига сафар» олдиндан йўлни нақарат машаққатли, шу билан бирга нақадар ҳузурбахш учрашувларга бойлиги ҳусусида болаларга тушунча бериб, Сўнгра, қўлга рубобни олиб, галдаги сафар «Феъл шахри»га аканлигини қўшиқ орқали маълум қилди. Болажонларим, биз саёҳатга отланиб, у ерга нимада етиб олишни ўйлаб-мириш, — дея Мукамбар опа ўқувчиларга мурожаат қилди.

Дарсларни кузатганда «ФЕЪЛ ШАХРИ»ГА САЁХАТ

дуруст деб топилган болалар Мукамбар опанинг «Наврўз гулдастаси»дан жой олган — рангли қозғолдан чиroyли қилиб асалган «5», «4»лар билан сийла-нади.

Арава йўлда давом этади. Галдаги макондаги воқеаларга интиқ ўқувчилар қизиқиши тобора авжга чиқади. Йўл-йўлакай улар зерикиб қолмаслиги учун муаллима «ким олади-я, шугинани-я», — дея болаларни ўзаро беллашувга чорлайди. Қозғолдан асалган «ширинлик»ни ўртага ташлайди. Ўқувчи уни тиши билан эмас, балки ютқунинг орқа тарафига ёзилган ўтган мавзуларга оид саволга жавоб топши билан олади.

«Аравақаш» миллий му- сиқа асбоблари «растаси» чиқмаганлиги яхши бўл- махсус мухбиримиз.

тўғрисида: от жilовини «тортади». Энди ўқувчилар рубоб, дутор, доира ва пиу каби чолгу асбоблари ишти- рокида феъл қатнашадиган гаплар кашф этишга тушиб кетишади. Ҳар бир ай- тилган гап таҳлил этилиб, феълнинг гапдаги вазифа- си, замони, бўйлиши, бў- лишсизлиги ва ҳоказолари аниқланади.

Саёҳатни давом эттираёт- ган шўх-шодон болалар бир- динига маносланиб, юзла- рида ачиниб ҳисси зоҳир бўлади. Бунга Мукамбар опанинг «Болалар уйи» деб пештоқиға ёзиб қўйил- ган уйча даразасидан гап- гин боқиб турган бир бола- кайнинг суратини кўра- тиши сабаб бўлди. Муалли- ма ҳолатга изоҳ бераркан, овозини секинлатди. Ўқув- чиларга юзланиб, қани шу гудакнинг ота-онасига қан- дай мурожаат қилимиз, де- ди. Улар баралла: «Ширин- тойингизни болалар уйдан олиб кетин!» дея хижоб қи- лишади. Шу ўринда Му- камбар опа ўқувчиларга ҳам феъл қатнашган гап

ясатди, ҳам улар қалбига меҳр-шафқат, ота-она қад- ри ва шу каби инсонийлик хислатлари уруғини қада- ди. Вироз маҳзунлиқдан сўнг муаллима тебраниб, алла айта болайди. Хонш тугач, сув қўйғандек тинчиган синфхона яна шовқин чи- да қолди. Мукамбар опа ҳа- лда вазифани айтмасданок уни фаҳмлаган чаққонлар гап тузишиб бўлишганди.

Шу зайлда 45 минутнинг бир лаҳзада интиҳосига ет- ганлиги ҳам сезилмади. Ни- ҳоятда эса Мукамбар опа да- рсда фаол қатнашганларга «Энг билимдон», «Энг тиришқоқ», «Энг саводхон» деган ёзувлар туширилган кўрақ нишонни тақ- дам» унивоғига «даъвогар» чиқмаганлиги яхши бўл-

ди. Мукамбар опа ўқув- чиларга саёҳатдан ол- ган таассуротларини батаф- сил ҳикоя қилиб бера ола- диган даражада бўлиб ке- лишларини уйта вазифа қи- либ топширди. Галдаги са- фар иштиёқда бўлган ин- тиқ болалар бирин-кетин таъқарига отланишди.

Уқувчилик пайтимизда бизга бундай услубда дарс ўтилмаганлигини, менга ҳаммаси эриш туюлди. Гўё мавзу иккинчи даража- га тушиб қолаётгандек эди. Шу каби гумонларимга аниқлик киритиш учун Му- камбар опани саволга ту- дим.

— Биласизми, ҳали ўйин- лар дунёсини тарқ этмаган болакайни бу услубда илм оламига етаклаб кириш, менимча, анча махсусли. Ўқу- вчилар уйларида ҳам эрта- га қандай машғулот бўлар- кин, дея мактабга ошиқша- ди. Негаки, турли хилдаги «жиддий ўйин»лар ўқувчи- лар руҳиятини кўтариб, яна- да фаолликка чорлайди.

«МУКАРРАМА ОПАГА ЎХШАСАМ...»

Инсон ҳаётда турфа касб- ининг бошидан тутиб, ўз умрини турли машғулот- ларга бахшида этмоғи мум- кин. Бироқ умринг ўзга- рарга намуна бўладиган, танилаган касбин медалга, ридан минг-минглаб инсон- ларни баҳрамон эта ола- диган даражада бахтга етиш- моқ барчага ҳам nasib эта- вермайди. Бунинг учун кас- бингизни эмас, ватанинг- ни, миллатингизни севган, ҳаёт моҳиятини тушуниб, вақт бўлганин англаган ин- сон бўлмоғинг лозим.

Мукаррама опа Турғун- боева санъат соҳасидаги меҳнати орқали халқ му- ҳаббатига сазовор бўлган ана шундай санъаткор эди. Миллатингизни қўллашга гўзал чизги бўладиган «Тано- вар», «Шилла», «Тошкент илбас», «Роҳат», айниқ- са, «Баҳор вальси» каби бетакрор рақсларни томо- ша қилар экансан, бунга беҳитиб амин бўласан, ки- ши. Одамларга заъқ ула- шиб, улар қўнглига роҳат, баҳор тароватини олиб кир- моққа эришганда Мукар- рама опа.

Қалб тароналарини, туй- гу оханларини мусиқа са- доларига уйғун этиб рақс- га тушганда, саҳна энгага тўлиб кетарди. Санъатсе- варлар санъат копонала- ридан ана шу нуриинг бир қатинидан қўлблари ёри- шиб уйларига қайтардилар.

Мақсад эзгулик бўлгач, меҳнатингиз, меҳрингиз ая- масанг, омад, албатта, сенга юз бураркан, дейди А. Азизов. Ўқувчилар саройи- да «Чамай» ўзбек ёш рақ- қосалари фольклор-этно- график дастаси тузилди. Бунда жумҳурят пойтах- тидagi турли мактаблардан 120 дан зиёд ёш хаваскор- лар рақс тўғарагиди ишти- рок этиб, бу нозик санъат- сирларини ўргана бошла- дилар. Тинимсиз машъ ва изланишлар, санъатга му- ҳаббат ўз самараларини бера бошлади. Шундан сўнг ёшлар устозлари би- лан келишиб, машҳур ўз- бек раққосаси М. Турғун- боевнинг 80 йиллик тўйи



Пойтахтдаги 83-мактабда хотин-қизлар байрамга ба- гишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўқувчилар муаллималари- га куй, қўшиқ ва рақслардан тузилган гулдастасини тух- фа этишди.

Тасвирда: титанадан лавҳалар.

Р. АЛБЕКОВ суратлари.

ЎТ ИЧИНДА ПОКЛАНИШ

Тарих кўз ёшу кулгулар ичиб, улғая боради. Тарих қонлар, шонлар ичиб улғая боради. Ана шу кўз ёшу кулгу, қону шон аро қандай яшаб ўтмоқчи, аввало, тангри, қолаверса, хар' одамнинг узига боғлиқ. Йиллар кашф этиб, йиллар синовдан ўтказган бу қонуни барча за- монларнинг улду шоири шох Машраб кўнглимиз, кўзи- миз қолдичан гўзал бир тарзда айтиб кетганлар:

Бегим бу кучдан ҳам устуни- роқ бир мадал топи ва унга таяниб, ўз қалбини ўзи оқ юрликлар ичра омон олиб ўти. Бу шерьият эди. Шерьият — ўт ичинда пок- ланиш демек. Шерьият азоб ичинда покланиш демек. Амир Умархон ҳукмдор шоир эди. Унинг ҳукмдорлиги шоир- лигига рост келмаган дам- лар Нодирабегимнинг руҳи

Мақсад не эди жаҳона келдиг. Кайфиятини баён этиб кет. Нодирабегим қалбини ҳар лаҳза тозатиб турувчи шерь- ият муҳаббат шерьияти, унинг бoш сўзи, таячи му- ҳаббат эди: Нодира, жoми муҳаббатни деб болаб итибон Мастлик бирла қилай ишқ нозини адо. Бундай кирозга келган

Бу узундан узоқ муқад- диманинг ўз даврида Ноди- ран даврон деб шухратли ўтган бахтли, айна дамда фо- жиали тақдир эгасига қандай боғланиши бор?

Тангри Моҳлар ойимни сий- лаб Амир Умархондек инжа- табиат бир хонга маликалик- ни раво кўрдик. Маликалик- ни ҳар қалб айрича қабул қилади, ҳар қалб ўзгача ишайди: кимгадир малика-



# ЭТНАГРАФИЯ



## ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Мухтор ХУДОНҚУЛОВ



### ХАМКАСБЛАР ИЖОДИ

#### ҚАНИЙДИ, ДАФ БЎЛСАНГИ

Ажалдан қўриқандай ивотгардан кўриқ:  
Кундузи тун деса, қуллуқ, хўп дегин,  
Нимда кўп андиша, урабегин дўқ,  
Шилиб бор будини, бемалол егин —  
Балон нафс бўлсанг.

Тасқара, беномус, бетасирлардан  
Нин-сингил тутин, дўсту ёр айлаб,  
Эътиқод, имони кар, бисрлардан  
Ошнолинчг узма, юргин авайлаб —  
Балон нафс бўлсанг.

Ҳар бир ноҳақликка рўбарў келсанг,  
Кузингни чирт юмгин, бу ҳам зўр талат.  
Узингдан баладга мушдай эрисанг,  
Меҳнатнашга бўлгин тўқим табиат —  
Балон нафс бўлсанг.

Кезса-да юртимда хур — ошқоралик,  
Гоҳида эзилган халойиқ ҳайрон.  
Сендай балон нафс ҳали бор экан,  
Тилимиз сарсону ҳалоллик гирён...  
Қанийди даф бўлсанг!

#### ШУ ВАТАНИМ ТО БОР ЭКАН

Туриб тоғда уч шаҳарни сайр этиб қошингизга  
Кириб борсам, эрталабки чойингиз қилгай насиб.  
Тоғаним ҳам ҳарир рўмол ўрасам бошингизга  
Мақтанасиз падаринга кўнглингиз тоғдай ўсиб.

Айтнинг, қачон керак бўлсам сиз орқали қулоққа,  
Мен онамга керакман, деб шодликларга тўлғундур?  
Шундай узун масофада қадам қўймай тупроққа,  
Елдай учиб қаршингизда парвонангиз бўлғундур.

Нолимадим, нолимайман ҳаётимдан, опажон,  
Тақдир тоғим отилса-да сиздан анча йироққа,  
Армоним йўқ, шод-хуррамман, бахтга ёрлар ҳар бир он,  
Шу Ватаним то бор экан, мени қўймас фироққа.

Ойничохон БЕКМИРЗАЕВА.  
Наманган шаҳридаги 17-ўрта мактаб.



### САБОҚ

Даврада қизир суҳбат,  
Олим аёл сўз олди.  
Тўмарис бизнинг ажод,  
Виз жасуримиз, деб қолди.  
Едлаб берди Қуръондан,  
Тўшунтирди Ҳадисни.  
Аёл экан суҳандон,  
Лол этди тамои бизни.

Она бурчи уй тутмоқ,  
Бола боқмоқ барини  
Айтди, қай йўсини кутмоқ,  
Ишдан қайтган ёрнини.

Она буюк куч, деди.  
Усиз тўхтар мавжудот.  
Аёлисиз бахт луч, деди,  
Хуллас, ҳар гапни ҳикмат.

Суҳбат тугаб, мезбонлар  
Келтиришди дастурхон.  
Жондан ўзга бари бор:  
Олма, узум, патир нон.

Олим аёл билгимдон,  
Аъло ўтди сабоқини.  
Энг сўнггида исботи  
Учун ичди ароқини.

### НОДОН

Кетар эдим, йўлда икки қиз,  
Ногоҳимни бир лаҳза тортди.  
Сўзлашарди акнабийга хос —  
Узга тилда, ҳайратим орди.  
Сўз қотари бир йўловчи чол,  
Узга тилда қиз йўллар жавоб.  
Кўйлак кийган атласдан ял-ял,  
Тии қора кўз, чекмас изтироб.

Бир-бирга бермас эди гап,  
Тортинчоқни, ҳаё бегона.  
Писанд қилмас ҳеч кимни,  
«Замонавий» икки дугона.  
Уз тилида айтмай бирон сўз,  
Узлгини унутиб тамои,  
Ворар эди йўлда икки қиз,  
Атлас кўйлак товланар ҳамон.

Тилим, сеин кимки олмас ган,  
Сўзлашганимни кимки этар ор:  
У онасин ўқитган нодон,  
У Ватанин унутган беор.  
Анора НАРДАВОВА.

(Боши 3-бетда).

Нодирабегимнинг Макинуна оти билан форсийда битган газалидаги мана бу байтга диққат қилайлик:

Мен жаҳоҳир сурмаси миннатини тортмайман чунки,  
Шаҳриёр куйини туфроғидин кўзимдан сурма бор.

Шундай деб мағрурланган қалб фақат эгуликка қодир эмасми?

Ҳали бизнинг тарихимиз ёлғонлар лойига ботиб ётмиди. Биз бу лойини меҳримиз иссиғидан қурита олсак, Амир Умархон вафотидан сўнг Хўқанддан Нодирабегим яратган муҳит ҳақида ҳам ҳазиргидан тўлароқ тасаввурга эга бўлардик. Бу муҳитнинг биз ҳозир билганимиз, тасаввур қилганимиздан баландроқ бўлганига шубҳаланмасак бўлади:

Фўқаро ҳолига гар боқмаса ҳар шох, анга у Ҳашамату салтанату рифату шон — барча абас.

Шоҳ уддирки, райياتга тараҳхум қилса, Йўқ, эса қондан амну омон барча абас. деа шеър битган шоира ота-сининг тахтига ўтирган ўғлига бош йўриқчи бўлиб тур-



Тухфа қилсак гулдастalar, Гулчехралар яшнаб кетар.

Кўкни булут босганда ҳам, Гўё кўёш чақнаб кетар. А. ЧАПЛИГИНА сурати.

### ХАР ТЎҒРИДА

ВРАЧЛАР УЧУН СОАТ

● ЯПОНИЯДАГИ оламга машҳур «Касио» электротехника фирмаси яна бир кашфиёт билан донг таратди. «Касио» мутахассислари яратган соат ҳам вақтни кўрсатади, ҳам инсон қон босимини ўлчайди. Ушбу соатдаги икки турмачани боссангиз, бас, қон босимингиз қандайлигини билиб оласиз. Баҳоиси 200 доллар туррувчи янги маҳсулотини фирма келажакда ойига 20 минг донадан ишлаб чиқариб, жаҳоннинг барча мамлакатларига сотишни мўлжалламоқда.

● СТАРО — ЗАГОРА шаҳри яқинида жойлашган Гранит қишлоғидаги дуб дарехти нафақат Булғорияда, балки Овруподаги энг кекса дарехтдир. Олимлар унинг ёшини 1640 да деб тахмин қилишмоқда. Шунчалик «узоқ умр» кўрган дарехт бўлишига қарамай, дуб жуда гўзел бўлиб, бўйи — 23,5 метр, кенглиги эса 7,46 метр-дир. Старо — Загорага келган сайёҳлар, албатта, «қария» дубини томоша қилмай кетмайдилар

### Кутайкиз!



### МУҲТАРАМ МУҚАДДАМ МЕЙЛИЕВА!

18 йилдирки, Шаҳрисабз ноҳиясидаги 1-мактаб-интернатда ўқувчиларга немис тилини ўргатиб келаяпсиз. Сабогингизни олганлар учун яна бир мамлакат одамлари билан дўстлашиш осон кечмоқда.

Бугун қўшалоқ байрам кунинда Сизга ва оилангизга ҳамisha бахт, омад тилаймиз. Эзгу ниятларингиз ўзингизга эш бўлсин.

Жамхўрият Педагогика жамияти Қашқадар ёилоти бўлими.

### Азиз ва меҳрибон Онажон!

Сиз туларни бедор ўтказиб, мурғаклигимиздан парвариш этдингиз, гўдак фарзандларингиз ташвиши билан яшадингиз, барча қийинчиликларни енгиб, бизларни воғга етказдингиз. Бу беқис меҳрибонлигингиз учун бир умр таъзим қиламиз.

Онажон, Сизни эртанги Халқаро хотин-қизлар ҳамда баҳор байрами билан қутлаймиз. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг, қалбингиз денгиз тўлқинларидек жўш уриб, ўйлаган барча орзу-ҳавасларингизга етинг.

Рингиз билан, фарзандларингиз Садриддин, Баҳодир, Бахтиёр, Фахриддин, Муҳиддин, Комил УЛУҒОВлар.



### ЎТ ИЧИНДА ПОКЛАНИШ

ган дамларида ўз сўзидан айрича иш қилиши мумкин эмас эди. Нодира исми билан боғлиқ иморатлар, ўша даврда гурирар ўсган Хўқанд адабиёти шундан даран берди.

«Бор-ей» деб этак силбиб кетадиганлар кўп топилади. Лекин Нодира ўз руҳининг хиванатори бўлмади, финонини шеър этди, қалбини шеър билан қийноқдан олиб кечди.

Шон-шухрат юқини кўтармоққа ҳар ким ҳам қодир эмас. Шон-шухратли аёллар исми шунинг учун, кўпинча, рости ёлгон гаплар аро аралашиб юради. Нодира ўз бошидаги ғамини — жудолик ғамини шеър билан яна ҳам юксалтириб кўрсатдики, натижада бошқа шон-шухрат сифатларининг бўйи пасайди.

Бизга тарихдан аён, Нодирабегим ўғли, невараси билан бирга Бухоро хони Насруллоҳон қўлида қатл этилди. Бу ўлим сабабини ҳар хил шарҳлайди. Мев ҳар гал тарих саҳифаларини varaқлаб, ҳар гал бир қарорга келаверман. Бу ўлимнинг ёлғиз сабабисини ўзини танимаслик, жаҳолат. ўз қони, ўз илдин билан ғурурланмаслик, уни ҳимоя этмаслик, унга кенглик қилмасликдир. Нафсинг устлиги, «мен»нинг қайсарлигидир. Нодирабегимдай аёл

нинг ёзуғи шундай бир кимсага кунин қолганлигиде, холос. Бу ҳар бир туркийга сабоқ бўларли ёзуғ.

Тарих эврилди, замонлар ўзгарди. Биз бу кун тангиннинг инонти билан манғайимизга бир қадар ёруғлик тушиб тургандай, юз йиллик қуллик кишиларидан қуллик гандаймиз. Лекин юз йиллаб ер парчин ётган инсоннинг юриб кетмоғи оғир. Бу оғирликлар инчидан имону эътиқодни бутун олиб ўтмоқ, Нодирабегимдай ўз қадри-мизини кўтармоқ, — ҳар биримизнинг бўйинимизда.

Мен шунда бутуннинг чингу алдоқлари аро ҳайрон кўнглимизга Нодирабегим сатрларини мадад билгим келадилар.

Қошини қилчига бўюн сун. Ошиққа будир тариқни одоб... Ором топарму чархи даври Доим ҳаракат этар бу дўлоб...

Яна: На гул сайр айла, на фикри баҳор эт. Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт. Муҳаббатсиз киши одам эмасдур. Гар одамсан, муҳаббат иктиёр эт. ҚУТЛИБЕГА.

### НАСРИЙ МАСАЛЛАР

ДАФТАР БИЛАН КИТОБ

Китоб Дафтар билан тортишиб қолди:  
— Дунёдаги жамини қизик нарсалар менга ёзилган. — деди Китоб.  
— Мен бўлмасам — сен ҳам бўлмасдинг. — деди Дафтар.

ТИРГОВИЧ

Ешлигидан тарвақайлаб-роқ ўсган Шафтоли савабга етгандан кейин ўзини кўтара олмайдиган бўлиб қолди. Унга тиргович қўйишга тўғри келди. Шафтоли яна талтайиб кетиб, тирговичнинг устига ўзини ташлади-олди. Бир кунги Тиргович «қирс» этиб сикди-ю. Шафтоли ўзини ерда кўрди. Тирговичга ишонганининг ахволи шу-да!

ОШҚОВОҚ БИЛАН ЕНҒОҚ

Ошқовоқнинг Енғоқда ҳаваси келди-ю, баланд бир дарахта чирмашиб чиқиб, осилиб ётди. Лекин бир кун шомолда узилиб ерга тушиб пачоқ бўлди.

Чинқидан олдин тушнинг ўйла-да!

ИККИ ДАРЕ

— Нега сен соқини оқсан-у, лекин кенжа уканг — Жилга эса повулганин-шовулганин? — деб сўрашди Дарёдан.

— Ҳали у саёс-да, — деди Дарё.

БАҚАТЕРАК

Сайхонликда ўсган Бақатеракни шамол ағдариб кетди.  
— Тарвақайлаб шох ётгандан кўра чуқурроқ илдиз отсанг бўлмасиди? — дейишди унга.

ЎЧИРҒИЧИ НИМА ДЕНДИ?

— Ўчиришга ўнраман-у, лекин асладай қила олмайман, барбир изи қолади. Яхшиси — хаюга йўл қўйманглар. — дерди Ўчиригчи.

ЖАҲЛ ВА АҚЛ

— Мен жоҳилликнинг қора чақмоғини чақаман, — дерди Жаҳл.  
— Мен оқилликнинг курли чирогини ёқаман, — дерди Ақл.

МУЗ ТОҒИ

— Мен тоғман, — деб қолди денгизда сузиб юрган муз тоғи.  
— Шўнақами? — деб қулиб қўйди Офтоб.

Муз тоғи хижолатдан «чак-чак» терлаша тушди. ЭҒРИ ЧИЗИҚ

— Йўл бўлсин? — деб сўрашди Эгри чизикдан.  
У қайси нуқтада тўхташнини билмасди.  
ХУДБИН

Ток нуқул ўзини ўйлаб ҳар томонга тарвақайлагани тарвақайлаган эди.  
— Мевани ким ўйлайди? — дейишди унга ва хомтоқ қилишди.

ҚАРИНДОШ

— Битиз тоға, кираман деган жойинга киролмайман, ёрдам беринг, — деб илтимо қилди тўнтоқ Игна.  
Битиз уни ўтказиб қўйди.

МОЖАРО

— А! — деди биров.  
— Ё! — деди унга жаваб инкинчисини.

ВЎДЖИҚИЛМ! — дегорди биринчисини.  
Икинчисини қолган ҳарфларни айтиб чиқди. Ҳарфлар тамом бўлгач, энди улар саноқ сонларга ўтишди. Саноқ сонлар эса чексиз эди...

ЎЗИМДАН ЧИҚАН БАЛОҒА

Болта аямай дарехт кесарди.  
— Нима қилайлик, солин ўзимиздан-да... — дейишарди дарехтлар ғамгин бош силкиниб.


ГУЛДОН БИЛАН КУЛДОН

— Кел, танишайлик, Гулдон, — деди Кулдон.  
Еянига яқинлашиб бўлайди-ку, Кулдон, — деди Гулдон.

Бош муҳаррир

Аҳмаджон ДОЛИМОВ

### «БАЙРАМ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



- 1. Оналар қўшини. 2. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидан бирининг номи. 3. Куй журигида ижро этиладиган санъат тури. 4. Хотин-қизлар ойномаси. 5. Орасталлик бўуми. 6. Илк ўзбек театри санъаткорларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. 7. Ижодкор аёл. 8. Таниқли раққоса, Ўзбекистон халқ артисти. 9. Уйғунини «Парвона» драмаси қаҳрамони. 10. Чех адаби Юлиус Фучинкиг Ўзбекистон ҳақида ёзган асарни қаҳрамони. 11. Илк ўзбек театри саҳнаси санъаткори бўлган аёл. 12. Таниқли ҳинд кино санъаткори, «Она-Ҳиндистон» фильмида бош қаҳрамон ижрочиси. 13. Коинотта икки бор парвоз этган фазокор аёл. 14. Рақс билан ижро этиладиган халқ кўшиги тури. 15. Биринчи ўзбек фильмларидан бири. 16. Алишер Навоий достонидан бош қаҳрамон. 17. Зеб-зийнат бўуми тури. 18. Саид Аҳмадининг «Уф» романи қаҳрамони. 19. Хонанда ва театр санъати устаси, Ўзбекистон халқ артисти. 20. Анъанавий ўзбек тиллий ишак газлама-си. 21. «Синчалак» қиссаси қаҳрамони. 22. Гулдан тайёрланган хушбўй суяқлик. 23. Абдулла Қодирининг «Меҳробдан чаён» тарихий романи қаҳрамони. 24. Иззат Султоннинг «Имон» драмаси қатнашчиси.

Ф. ОРИПОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-84-21, 52-35, нашриёт диспетчер — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-99-50.